



# ТУРКИСТОН

1993 йил 6 ноябрь • Шанба № 123 (14151) **تورکستان** \* **TURKISTAN** Сотувда эркин нархда

## ФАН ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН



### ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ОЛИМЛАРИ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ, БАРЧА МУТАХАССИСЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар! Сизларни Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин дилдан, самимий табриклаймиз.

Утган давр мобайнида республикамизда илм-фаннинг ривожланишида, истеъдодли миллий олимларни тайёрлашда, илмий-тадқиқот ишлари савиясини жаҳон талаблари даражасига кўтаришда аризонлик ишлар қилинди. Математика, электроника, қўш энергиясидан фойдаланиш, ўсимликлар биохимияси, тарих ва иқтисод каби соҳаларда ўзбек олимлари қилган қатор кашфиётлар жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилгани бизда яратилган фан тизимининг ниҳоятда катта имкониятларга эга эканини намоён этиди.

Қадимдан жаҳонга машҳур олимۇ фузалоларни етказиб берган она юртимиз Ўзбекистонда мустакилликка эришилган бугунги саодатли кунларда илму фанни тараққий эттириш, уни янги миллий мазмун билан бойитиш, жаҳоннинг энг илгор илмий марказлари билан халқор алоқаларни яна ҳам ривожлантириш борасида дади одимлар ташланмоқда. Давр ўзбек миллий фанининг жаҳон маърифий тараққиётига дахлдорлигини, фундаментал фан равнақини, назарий билан амалиёт бирлигини таъминлашни, ҳар бир ишланма ва изтироқчилик тез фурсатда ишлаб чиқаришга жорий этилишини аниқлаш қўймоқда.

Ишончли комилки, Фанлар академияси бу эзгу ният йўлида ташаббускорлиқни, ташкилотчиликни қўлдан бермайди, юрт ва миллат тақдири, обрўйи ва ёрқин келажиги учун бор имкониятларини фидойилик билан ишга солади.

Сизларга, азиз дўстлар, сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик ва омонлик тилаймиз, илмий изланиш йўлидаги заҳматли, аммо шарафли ишларингизда улкан омадлар ҳаминша ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**.

4 ноябрь кунин Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йилгилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қоррабов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йилгилишда сўзга чиқди. Президент, жумладан, мамлакатимиз Фанлар академияси ўтган ярим аср мобайнида жумҳуриятимиз фани тараққиёти йўлида, миллий илм соҳибдорларини тарбиялашда улкан ишлар қилганини таъкидлади. Мамлакатимизда янги таъсис этилган ал-Хоразмий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур медалларини атоқли олимлар — Х. Фозилов ва У. Қаримовларга топширди.

Россия Фанлар академияси академиги В. Котельников, Озарбойжон Фанлар академияси президенти Э. Салаев, Беларусь Фанлар академияси академиги Н. Борисевич, Германиялик олима Д. Шенк, Тожикистон Фанлар академияси вице-президенти Т. Назаров, Қирғизистон Фанлар академияси президенти Н. Айтматов ўзбекистонлик ҳаммасабларни қутлуг сана билан муборакбод этдилар.

### ҲИСОБ РАҚАМИ ОЧИЛДИ

Президентимиз И. А. Каримовнинг шу йил 25 августдаги Фармони билан газета ва журналлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиш, босмадан чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ молиявий, моддий-техникавий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш ниятида, Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди.

Яқин таъсисчилари бор. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма рўйхатга олинди. Ва унга 153-рақамли гувоҳнома берилди. Тула ҳўжалик ҳисобиди иш юридадиган жамғарма юридик шахс ҳўқуқига, мустанқил балансига ва банқда ҳисоб рақамига эга.

### Миллий туйғу йўлларида

«Сўзни бағоят улўф билгил»

### ДАЪВАТГА ЖАВОБАН

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҲАМ ҲАМНАФАС!

### Диққат: танлов

Бош мавзу—Конституция

### Ёшлар Иттифоқи: қурултой яқин

Айни кунларда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида иш ҳар қачонгидан ҳам қизиб...





Мақсуд ШАЙХЗОДА таваллудининг 85 йиллигига

# «ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ»

БИР АСАР ТАРИХИ



Шайхзоданинг шухрат қозонган асарларидан бири «Жалолiddин Мангуберди» драматизацияси. Бу асар 1943 йилнинг ёз ойларида Фаргона вилоятининг Водил туманида ёзиб тугатилди.

ди. У киши ишга тамомлаш билан қоғоз, «Азизим, Шайх, энди ҳафсалани бўшаштирмай, шу асарнинг муҳим нусхасини «Мунимий» театри учун битсангиз. Улар жуда завқ-шаўқ билан кутишмоқда. Киностудиядаги театр ҳам менга тинчлик беришмайди. Сценарийнинг ҳам битиб берсангиз ёмон бўлмасди», деди. Мана энди, Усмоғлининг истаklarини ҳам поёнига етказганга ўхшайман. Эртага келсангиз, яна бир бор ўқийман. Кейин эгаларига тоширсан ҳам бўлади», деди. Эртасига драманинг муҳим ва илҳомли нусхасини ўқиди. Айрим ўқиларини йўл-йўлакча тугатди. Лекин, «Жалолiddин Мангуберди» асари «Хамза» номидаги театрга саҳналаштирилди. «Танланган асарларга киритишга улгуролмадик. Бу нусхани эндиликда Қўлёзма-

лар институтига мутахассислар Сафо Зурфарий ва Темур Тўрабоев нашрга тахт қилиб қўйишди. «Жалолiddин Мангуберди»нинг бу икки вариантдаги нусхасини ўқиб, композитор жўшқин айтирлик фарқ йўқ. Аммо унинг муҳим драматизациядан келиб чиқиб тўлдирилган. Унга «Добоча» ва «Хотима» қўшилган. Бу қисмларда Улду Ватан урушининг айна қизин, даҳшатли палласида нуруний отахон йигит ва қизларга халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши ҳақида ҳикойа сўзлаб, унда Жалолiddин ҳаётини ривоят қилди. Унинг Чингизхон босқинчилиги қарши олиб борган мардонлар курашлари, фожиявий тақдир ва бу фожиявий сабаблари хусусида гапирди. Асарнинг хотимаси нек-

бинлик руҳ билан йўрилган ялла билан тугайди. Муҳим вариантда Жалолiddин, унинг синглиси Султонбегим, Хоразмшоҳнинг кўеви Самарқанд ҳокими, сотқин Амир Бадриддин, ёвуз Чингизхон ва бошқаларнинг қўлаб хоншарайлари, шунингдек, халқона оҳангдаги лапар, ялла-лар ҳам бор. Домланинг «Ижодий режалар» дафтарида ёзилмаган бошқа қўлаб асарлар тўғрисида қайлар учрайди. Тангри таоло умр ато қилса, устоз барҳаёт юрганларида эди, шубҳасиз ўзбек сўз санъати янгидан-янги ободоҳ асарлар билан бойлан бўлуради.

Муҳим ЗОКИРОВ, Мақсуд Шайхзода ижодий меросини ўрганган, нашр этиш комиссиясининг масъул котиби.

Сиз кутмаган фикр

# Шоирнинг руҳоний дунёси

ЕКИ ФУРҚАТ ҲАЖГА БОРГАНМИ?

Мумтоз адабиётимиз йил-йил намоёнларидан Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат истаъдодининг ҳайратланарли даражада қўлаб қўлаб экинчи буғун ҳеч кимга сир эмас. У — ноҳиктаб шоир, талантли ноҳик, қўлаб шоирларда етиштирган моҳир ҳаттот, шунингдек, зукко табиғ ҳам эди. Унинг бу серқирра фаолияти ҳақида ишончли манбаларда маълумотлар берилган.

«Қўёқиллик маъмур шоирларимиздан Фурқат, исми — Зокиржон ҳожим, бир кунча вақт Қўқонда туриб, шайрлар айтиб, охири Маккан аъзамга бориб, дастлаб боби Исрол дарвозаларидин қараб, байтуллоҳини ўз кўзи билан кўриб туруб, араблар Ҳарам шариғида кирмоқ учун Фурқатни тақлиф қилганларда, маъмур Фурқат шайрнинг салобатли билан Ҳарам шариғида таширлар қилиб айтқон шайрларидур...»

да чеклашларга йўл қўйиш ҳеч қачон ўзини оқламаган, оқлай олмайдик ҳам. Шу маънода айниқса бугун, виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги қону билан ҳимояланган бир шароитда Фурқатдек улуг мутафаккир шоиримиз ижодидаги айнан шу ман этилган, бугунги шеърхон учун бир қадар қоронгу бўлган жиҳатларни равшанлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фурқат ижодиётида салмоқли ўрин тутган мавзулардан бири, бу — дину диёнат, имону эътиқод мавзуларидур. Бугун биз улуг шоиримиз ижодиётидаги мавзу мавзу хусусида баҳоли қудрат фикр юртмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзма асарлар хазинасида 2492 инвентар рақами билан сақланаётган Қўлёзма баёдан Фурқатнинг худди шу мавзудаги бир неча шеърини ўрин олган.

Шу ўринда бир далилни таъкидлаб ўтишни хоҳлардимки, улуг шоиримизга исломий эътиқод эгаларининг ҳаммасига ҳам насиб бўлавермайдиган, кўнчилиг учун муқаддас орау ҳисобланган қутлуғ Ҳаж ноҳатларини адо этмоқлик бахти насиб этган.

Тўғри, Фурқатнинг ушбу мавзудаги шеърларини марҳум Фурқатшўнос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори Холид Расул араб алифбосида нашр этилган шоирнинг икки жилдлик «Асарлар мажмуаси»га киритган эди. Лекин, Фурқатнинг ушбу «Асарлар мажмуаси» кам нусхада чоп этилганлиги, қолаверса, араб алифбосида бўлганлиги тўғрисида Фурқат шайрнинг қўлаб мухлислари улардан баҳраманд бўлган эмаслар.

Адабиётшўносимиз узоқ муддат бошқа кўпгина шоирларимиз каби, Фурқатнинг ҳам дину диёнат, имону эътиқодни насб этган асарларини тўғрисида фикр юртиш, уларни таҳлил ва таққиқ этиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бу эса, ўз навбатида, мумтоз адабиётимизнинг йилки вақилари ижодиёти, уларнинг дунёқарашлари тўғрисида бирёқларма, баъзан эса тамоман нотўғри хулосалар чиқаришга олиб келди. Бу йўлда қандайдир мақрура нўқтан назаридан ёндашиш, қайсидир даража-

да мерос бўлиб қолган азгу удумлар ҳақида наф қилиш билан бирга Сизнинг орау-оравиларингиз, қувончу ташвишларингиз, интиштиларингиз ҳақида ҳам, албатта, сирлашамиз.

«Обуна-94»

## Ёшлар ва иқтисодий ислохот

Ҳар кун тонги газеталарни арақлаганда энг аввало, шу куннинг долзарб мавзуси — пахта йилги-теримининг борши ҳақидаги маълумотга кўз югуртирасан киши беихтиёр. Негаки, пахтамиз сероб бўлса, дастурхонимиз ҳам тўқим, эгинимиз бут бўлади. Энг муҳими, кундалик истеъмолда фойдаланиладиган ёнги мўл-қўллик ҳам асосан ана шу том ашёнинг ҳажмига боғлиқ. Бепоён пахтазорлардаги ҳосилнинг чўғига ва кундалик йилги-теримининг боршига, қолаверса, деҳқонларнинг фикрларига қараганда-ку, том ашё мўл бўлади. Озиқ-овқат саноатчилари, чигитдан ёнги ажратиб дастурхонимизга етказиб берувчи соҳа вақиллари нима дейдилар! Тармоқнинг мамлакатимиздаги йилки қорхоналаридан бири Тошкент ёғ-мой комбинати раҳбари Б. ҚОДИРОВ билан суҳбатимиз мавзуси шу ҳақда бўлди.

метр тасма, 2400 погон метр кувуур эскирганилиги тўғрисида янгилик алоҳид қилинди. — Эҳтиёт қиларининг аксарияти бошқа республикалардан олиб келирилганини ҳисобга олганда, кўрсаткичлардан нолмасга бўлади. Аммо қорхонага четдан тайёр маҳсулот ҳам келтирилади, деб эътибор қилинди. — Ҳа, чиндан ҳам шундай. Президентимизнинг Малайзияга қилган расмий сафарлари чоғида эришилган оқлашува-га мувофиқ, дўст мамлакатдан қорхонамизга 3000 тонна пальма ёғи келтирилди. Бунинг натижасида қорхонамизда ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар тури бирмунча кенгайрилди. Технологиялар янгилади ва яхшиланди. Бугунги кунга келиб, маҳсулотларимиз турлари «Нафосат», «Соҳа пальма», «Нилуфар», «Дилфар», «Саломатлик» «Пальма», «Парҳез» сингари маргаринлар ҳисобига бойиди. Уларнинг барчаси зарур дори-дармонлар билан бойитилганлиги билан эътиборга лойиқ.

## ЭШИК ОЧИЛДИ

Қанақа эшик дейсизми? Таъбир жоиз бўлса, уни ҳайрихоҳлик, эътибор, умид, ишонч эшиги деб атамоқ лозим. Сир эмаски, ўтти даври муммоллари қўлаб соҳалар қатори адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Қозғоқ таъкидлик боис китоб чоп этиш кескин каймади. Айниқса, ёш ижодкорларга қийин бўлди. Уларнинг ижодини кенг тарғиб этишни имкони йўқ. Аммо... Яқинда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида бир гуруҳ таниқли шоирлар иштирокатида «Адабиёт ва мақрура» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатидида ёшларга нисбатан бундай лоқайлик салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, келмагани буюк давлатнинг тақдирини шу ёшлар қўлида эканлиги ҳақида гапирди. Амалий иш сифатида газета қоғозида ёш ижодкорлар билан ишлайдиган Адабий Кенгаш тугилди. Унга шоир Икром Отамурод рас эътиб сайланди. Адабий Кенгашнинг таъкидлик ишларида масъул эътиб, газетанинг Адабиёт, фан ва маданият бўлими мудири Норбойи Жаалил тасдиқланди. Ўйлашимизки, янги Адабий Кенгаш очган «эшик» орқали ёш ижодкорларнинг ўзбек адабиёти бўстонига кириб келиши хайрли бўлади.

С. РАУФ.

## Ёғ-мой сероб бўлади ми?



БУ САВОЛГА ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ҚОРХОНАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ БАХТИЁР ҚОДИРОВ «ҲА», ДЕБ ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ.

— Бахтиёр Тўғрунович, янгиликларимиз Сиз бошқараётган қорхона узоқ муддат таъмир учун тўхтаб қўйилди. Бунинг сабаблари нимада? — Узоқ муддат, деган гап кўнчилигизга қўйилмаган. Бу тўхташ одадига жорий таъмирлаш билан боғлиқ эди. Қўлаб турганимиздек, қорхонамиздаги мавжуд дастоҳ ва ускуналар, мосламалар камда 10—15 йилдан буюн узлуқсиз ишлатилиб келинмоқда. Шу вақт ичиде бирор марта ҳам деярли таъмирланмаган. Ана шу далилнинг ўзиёқ техникаларимизга сал бўлса-да, жиддийроқ муносибатда бўлишимизга тақозо этмоқда. Яроқсиз ҳолга келмаётган техника воситаларини ҳадеб ишлашавчи инсоф-дан эмас. Янги мосламаларни қўриқиб олиш эса жуда катта миқдордаги харajatларни талаб этади. Бунга қорхонамиз ҳозирча тайёр эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, масала анча ойдинашадик. — Айтинчи, ушбу таъмирлаш «мавсум»га қандай ҳозирли қўрилади? — Биз май ойидан бошлаб бу ишга ҳозирлик қўришга киришган эдик. Эскирган ускуналар, кувуурлар миқдорини ҳисобга олиб, шунга яраша буюртма беришни механизмлар, цехлар бошлиқларини зиммасига юкледик. Таъмирлот бўлимини эса таъмирлашга кетадиган барча жиҳозларни ўз вақтида тайёр ҳолга келтиришга даъват этидик.

— Энди қорхонанинг шу йил бошидан буюн ишлаб чиқариш соҳасидаги кўрсаткичлари ҳақида ҳам икки оғиз тўталсангиз. — Бир жиҳатни эътибордан четда қолдирмасликларингизни сўрайман. Аустралиялик тўғрисида биз ишбилармонлик, тадбирдорлик билан иш юртиш имкониятига эга бўлдик. Рақамларга мурожаат қилсам, шу йилнинг ўтган 9 ойида маргарин тайёрлаш режасини 108 фоизга бажардик. Бу 27 ярим миң тонна маҳсулот демакдир. Истеъмолга тайёр (доғланган) мой ишлаб чиқариш топишиги 110,7 фоиз (2828 т), майонез 102,3, оқланган ёғ 115,4 фоизга ўдделанди. Дарвоқе иқтисодий-тимиздаги қийинчиликларни айримлар қанчалик бўрттириб кўрсатишмасин, бизда кейинги йиллардаги ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажми сира келмагани йўқ. Аксинча, бир қатор кўрсаткичлар буйича ўсишга эришилмоқда. Хусусан, биргина шу йилнинг ўтган уч меҳнат чоғида ичиде маргарин 6750 тонна, доғланган ёғ ҳажми 1000 тоннага қўлайди.

Технологининг иши бежоглик, деган хизмат беғиз айтилмайди. Экстракция тармоғида 200 тонна бензин, ёнги оқартиришда ишлатиладиган 39 тонна ишқор, 34 тонна чигит тежаб қоллиншига мувофиқ бўлди. Август ойида ишчи ва хизматчиларимиз даромадга яраша 82 миң сўмдан пул олишди. Бу ҳам маош, ҳам мукофотдир. Аммо ўтган вақт ичиде маблагни тежамиз, деб бирорте ишчи ўрнини қисқартганимиз йўқ. Аксинча, имкониятлар ҳисобидан яна 160 киши учун ишчи ўрнинларини очдик.

— Айни пайтда чет эл сармоси иқтисодийтимизга жалб этиляпти. Сир бўлмас, айтинчи, бу йўналишда олиб бораётган ишларингиз нималардан иборат? — Бу ерда ҳеч қандай тижорат сирин йўқ. Бизнинг бугунги асосий мақсадимиз — ҳамюртларимизга ҳар тарафлама тоза ва сифатли ёғ-мой маҳсулотлари етказиб беришдир. Бунинг учун энг аввало, жаҳон андозаларига тенг келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришимиз лозим. Болтинбўйининг «Линис Виза» компанияси билан кўнқарган валютага айирберишга юзасидан назорат шартномамиз ана шу мақсадга қаратилган. Бундан ташқари бугунги кунда ишлаб турган экстракция тармоғи ёндинда Американинг «Гасен Энтэрпрайз», Краун Айрон Уоркс» компанияси билан келишувага мувофиқ янги экстракция тармоғи мажмуини барпо этишни режалаштирганимиз.

— Суҳбатимиз пировардида қорхона раҳбаридан ишлаб чиқаришнинг энг жокуур фаоллари ҳақида гапириб беришни сўрадик. «Жамоамиздаги ҳар бир ишчи хизматчи ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаш мумкин, — деди директор. Қаммасингиз номини санаб ўтиришнинг эса иложи йўқ. — Шунга қарамай, биз руссга кўра, 3—4 нафар ўз касби усталарининг исми шариғларини қозғата тушардик. Улар: Гулсухон Айвазова, Салима Маҳмадова, Муҳаррам Эргашева, Саксонбой Мирзабеков, Лутфия Орпובה, Гўлчехра Валнева, Улмастон Раҳимова, Забихилла Жамолов ва бошқалар. Улар бизни сотирман бўлишга ундайдилар: «Ташвишланманг, ёғ сероб бўлади». Суҳбатдош: Тўқчи ЕРҚУЛОВ.

## Келинг, сирдош, йўлдош бўлайлик!

Азиз муштарийлар! Инсон сафарга чиқар чоғида энг зарур, эҳтиётқалаб ашёларини яна ўзи билан бирга олади. Биз ҳозир қизил империянинг вайроналарини оша миллилатнинг истиқболини кўзлаб йўл юраётган кишиларимиз. Шубҳасиз, қийинчиликлар мавжуд, шундай бўлиши табиий эди, чунки бирон-бир миллиат ўз эриғига осон эришмаган, талофатлар берган, қурбонлар берган... Аммо... шубҳа қилмаймиз, сафар халтангиздаги эҳтиётқалаб буюмлар қаторида «Туркистон» ҳам мавжуд. Агар мабодо хаёл билан чалғиб, севимли газетанингизни унутган бўлсангиз, уни олишга шоянлик. Негаки, ў, Сизнинг сирдошингиз, доимий йўлдошингиз бўлса, асло дар қолмайсиз. Келгуси йил «Туркистон» газетаси янада ранг-баранг, янада кўнқилга яқин бўлади. Одил Еқубов, Пиримқул Қодиров, Уткир Хошимов, Шукр Холмираев каби адибларнинг, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи каби шоирларнинг ҳали сиеҳи қуримган асарларини, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллоева, Рустам Гойинов, Обид Асомов каби қатор санъаткорлар ҳақида ҳикояларни, шунингдек, иттидорли ёшлар қаламига мансуб шеър ҳикояларни, санъат осмониде қачнаётган умид юлдузлари суратига чизилган унинг саҳифаларида ўқишингиз мумкин бўлади. Спорт, фан, тиббиёт соҳасида юрт меҳрини қозонган бундай ёшлар кам дейсизми? Шубҳасиз, улар ҳақида ҳам бирор бир ҳикоя қиламиз. Дилимизни нурлантирган қадриятлар, улуг аждодларнинг шавқатли ҳаёти, улар-

## «Обуна-94»

дониий кўриниш бериб боради. — Ун саниқсиз кирмаган ким бор? Аммо Сиз бу ёндаги қизу йигит солиҳидан кўз билан назар солишидан огоҳисиз? — Биз бу ҳақида ҳам сирлашамиз. Анждодларнинг қонига чақилган шу муқаддас туپроқ ҳақида, она Ватан ҳақида... Тарихий шахсларнинг кечмишидаги сирли ўлимлари ҳақида... Кўз қўрмаган, қулоқ эшитмаган сирли ҳодисалар ҳақида, она Ватан ҳақида қандай ҳикоя қиламиз. Ниятимиз — оламнинг жамини кўринишлари келмаган жилоси каби «Туркистон» саҳифаларида акс этсин, кўнқил берганингиз каби у Сизга азиз бўлсин, ардоқли бўлсин! Шундай бир йўлдошдан айрилиб қолишни, албатта, «Туркистон» саҳифаларида

## «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛМОҚДАЛАР

Бу йил Қосон тумани далаларида ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир пахтазорларда иш қизғин. Шу кунларда тумандаги Ғалабанин 40 йиллиги номили 51-ўрта мактаб ўқувчилари деҳқонлар етиштирган ҳосилни нечқисирмай йиғиб-териб олишда ота-оналарига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Об-ҳавонинг ғанимат билган ҳар кун 60—70 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар. Улар терим бошидаюқ яқин ташаббус билан чиқдилар, пахтадан олган даромадларга ўқув қуроллари, шунингдек, ўзалари севган газета ва журналларга обуна бўлишни ният қилдилар, — дейди мактаб директори Зикрилла Шерматов. Юқори синф ўқувчиларидан Матлуба Баратова, Озода Норматова, Фарҳод Раффов, Ражабали Эсоновлар тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Шунинг қувончилиги, ўқувчилар меҳнатлари ҳисобига келган пулга ўзаларнинг яқин сирдоши, севимли газеталари «Туркистон»га обуна бўлмоқдалар.

С. ОМОНОВ, Қашқадарь вилояти.

## 200 ТАДАН ОШДИ

Пайти-да, Одамлар биринкетин ўзалари маъқул қўлаб маҳсулотлари етказиб беришдир. Кимдир «Халқ сўзи»га, кимдир «Ўзбекистон овози»га обуна бўлса, яна кимдир «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни хоҳламоқда. Муборак туманининг Амтихон Султон номили хўжалик қоғида ташиқл этилган «Сахро юлдузлари» гуруҳида 13 нафар санъаткор бор. Улар Узаро келишган ҳолда елпасига «Туркистон» газетасига обуна бўлишди. Тумандаги ватанпарварлик ташкилотининг ишчи-хизматчиси 12 нафар.

Қ. ЭШМАТОВ, «Туркистон» муҳбири.

# «Туркистон» — Сизнинг газетангиз. Унга обуна бўлдингизми?

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

"ТУРКИСТОН" 64607 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна соми

1991	Яил	учун	(ойлар бўйича)												
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12				

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маълум)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

---

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64607

п.в.	жойи		

"ТУРКИСТОН"

обуна	баҳоси	сўм	обуна соми
янги маълумот	баҳоси	сўм	
юбориш	баҳоси	сўм	

1991 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12				
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----	--	--	--	--

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маълум)

Кимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ФИФА вакиллари Тошкентда

Узбекистон футбол олимпия вақо арасида. Тошкентта ташриф буюрган ФИФА комиссиясининг ҳисоботи тинчланган...

Текширув комиссияси аъзолари Осий футбол Конфедерациясининг Бош котиби, ФИФА ижроқўмининг аъзоси Питер Веллепан...

— Илк таассуротларингиз қандай бўлди? — Таассуротларимиз ахши. Бир қанча иншоотлар юқори савияда қурилган...

— Хулосаларингиз ҳақида ФИФАга қачон ҳисобот берасиз? — Узбекистонни ФИФАга қабул қилиш масаласи кўрилатганда биздан ҳам вакиллар тақлиф қилинади...

— Цюрихга қайтиб боришимиз билан ФИФА раҳбариятига ҳисобот тақдим қиламиз. 8 ноябрь куни федерациянинг мажлисида ФИФАга қабул қиламиз...

— ФИФАга қабул қилинган давлатлар қатори Узбекистон ҳам Осий чемпионлиги Кубоги ва Кубок эгалари Кубоги уйинларида ўз жамоалари билан иштирок этади...

ФИФА комиссиясининг Узбекистон Республикаси Бош вазири, Узбекистон футбол Федерациясининг президенти А. Муталов қабул қилди.

М. НОДИР.

«ЖУРНАЛИСТ» ЖУРНАЛИСТГА ЭШ БЎЛСА...

Бу дўкон расман 57-сон дўкон деб юритилади. Мухрда ҳам, ҳужжатларда ҳам шу рақам акс этган. Аммо пештоқда бошқача ёзув...

Уша ёзув диққатини тортиб ичкари кирдим. Кираверишда лавҳа ёзилган экан: радио, канцелирия ва фото моллари...

Журналистларга ихтисослашмаганига биз ҳам гоҳ вақтлар ачиноб кетамиз. Бир пайтлар шу масала, яъни дўконни журналистларга ихтисослаштириш муаммоси кўтарилганда...

— Аммо журналистлар учун бевосита алоқадор маҳсулотлар ҳам сотилар эканми? — Тўғри, фото, радио моллар, канцелирия бўлимлари мавжуд...

Светлана Александровна билан яна анча гурунглашдик. У кишини ҳам тушуниш мумкин. Ҳозир нима бўлсаям топиб, савдога чиқариб туришнинг ўзи бўлмади...

— Аммо журналистлар учун бевосита алоқадор маҳсулотлар ҳам сотилар эканми? — Тўғри, фото, радио моллар, канцелирия бўлимлари мавжуд...



Узбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Матбуот Маркази Хабар Қилиди

Газета саҳифаланаётганда: ЯРИМ ҲАЗИЛ, ЯРИМ ЧИН

АФАНДИНИНГ УН УЧИНЧИ ҚАБРИ

Насриддин Афандининг ўн иккита қабри борлиги кўпчиликка аён. Яқинда Бухоронинг олис қишлоғидан унинг ўн учинчи қабри топилди.

Хуллас, 5 ноябрь куни Ширинлар қишлоғи байрамона тус олди. Мамлакатимизнинг турли бурчақларидан келган Афандининг шогирдлари — машҳур қизиқчилар, асқинчилар ҳамда ҳажвчи ёзувчилар устозларининг қабрини зиёрат қилдилар.

Мирзиқўли қишлоғи истасангиз, Ширинлар қишлоғига марҳамат қилинг!

Илҳом САФАР, ҲАА мухбири.

Келгуси сонда: МАДҲИЯ МУСИҚАСИ: У ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАН? ЧЕКАСИЗМИ? БЕКОР ҚИЛАСИЗ!

ЎЗ ТУЗОҒИГА ҲАМ ТУШДИ

Андикон вилояти, Андикон туманида яшовчи Ш. Н. ички ишлар бўлимига келиб, номалум шахс ундан 1 миллион сўм пул талаб қилаётганини, мабодо бу пулни топиб бермаса «ғумдон қиламан», деб кўриқиб турганидан шикоят қилди.

ТИЛЛАЛИ СУМҚА

Термиздаги Болдир темир йўл бекатида «Андикон—Душанбе» поездида йўловчилар чиқаришга эди, тўсатдан Фожиянинг Республикаси Фожиянинг Республикаси Фожиянинг Республикаси...

Шухрат РУЗИЕВ.

САОДАТ ҲУЖРАСИ НУРИ МУНАВВАР

(Боши 3-бетда).

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Ибтидо қилдим баноми холиқи ҳар дусро, Қолири довар ниғоҳдорандан арши аъло.

Кодирекми ерга қўйди етти кўни бесуутин, Моҳи хурушду қавоқибди бериб зиннат анго.

Ул қадими ламйазаликим, аввалу охири эрур, Аввалига ибтидо йўқ, охирига ниғоҳ.

Сониғийким, санги хородин кўкартиб сабзалар, Айлади хори шарардин минг туман гуллар бано.

Ул Каримеким, халойиққа эрур инъоми ом, Вас, баробардур ани даргоҳида шоҳу гадо.

Кулли ашё жунбуш айлаб экирига машғулдур, Ваҳшиди дашт, хайлду — баҳру мурғони ҳаво.

Андалиб афғон ила гул бошида деб ҳамдини, Сарвини шоҳида қумри бўйиға солиб ридо.

Эди гулшанга баҳори лутфидин зарра насим, Топтилар андин чаман шоҳидлари ранги сафо.

Ҳамдига оғиз эрур гар минг эрур гўё забон, Бир забони лол ила Фурқат нечук айғой сано.

Тавофи Қаббага раҳнамо билан борамиз, Улумни чоғлаб ўза қаҳо билан борамиз.

Мурод манзилга айлабон яна Мило, Умидди Марва этибон Сафо билан борамиз.

Кн Ҳаж қилурда қўп эрмиш шароити аркон, Важо этарга бир неча расо билан борамиз.

Умидди беҳад этиб журмишим муофига, Мандини сорига бу мудоҳо билан борамиз.

Келинлар, аҳли муҳаббатки, жон инсор айлаб, Мозори шерх худо Муртазо билан борамиз.

Келинг, ҳақ ҳалдин ошбон фуқур қўп қилдук, Фигону колду во-ҳасрато билан борамиз.

Ота-она-ю, қариндошдин умиддин узуб, Имомни лахта жигардек ризо билан борамиз.

Яқон чок этибон бу йўлда қон йиғлаб, Имомни Ҳусайн шаҳиди Қарболо билан борамиз.

Кел эмди, Фурқат, бедил турарга тоқат йўқ, Тавофи Қаббага раҳнамо билан борамиз.

Қаройгон дилга берилур нур покнинг зини, ё раб, Келиб занги гунаҳ, ойинадек топсон жилло, ё раб.

Ният айлағил, чинсув, кўнгулдин мосуво меҳри, Бўлай тарки хавас қилмакда Аҳмаддек гадо, ё раб.

Замон аҳли ҳамда бегоналар роҳи ҳақиқатда, Узиндан ўзга йўқтур қўп тугтарго ошно, ё раб.

Келиман дарғаҳинга бош уруб, навиди ёдирма, Агарчи айладим гафлатда қўп журму гадо, ё раб.

Насиб эт Қабба тавфиди рўзи айлаб раван ҳазрат, Турарга қолмади тоқат, санга бу илтижо, ё раб.

Ҳарам ичра кириб рўйи сиёҳин ерларга суртуб, Губорин чашми муштоқимга қилсам тўтиб, ё раб.

Тукуб қонлир сиришким нола тортиб ҳар тараф борсам, Қабсоу Марва-у Мило биле айлаб Сафо, ё раб.

Фурруи даҳри фоний тушти дилга, ваҳини уқбо йўқ, Фаромуш айлаб ўз жонимга қилдим қўп жафо, ё раб.

Бу бадкирдорлик бирла ўлуб ер остига борсам, Кеҳар ҳолим нечук деб дилда қўп хаффу рижо, ё раб.

Халойиқ ичра тонгла қилмагансан хаста Фурқатин, Ҳабибинг хурмати шармандан рўзи жазо, ё раб.

Ул сафарни хайриятосор хайриятлик ила ўлуб раван шарифа шарафи вусул тобон сўнг бу таржиғини (Бу асар аслида 12 та таржиғидан иборатдир. Газетанинг имконияти ҳисобга олинган ҳолда улардан 5 таси эълон қилинмоқда. — Н. А. Ҳ.) ишшо этмишдур:

БИРИНЧИ ТАРЖИҲ

Забониға олиб ҳамди худони, Демак воқиб нафта шукру саяони.

Ният айлабон осий қулға Мушаффаъ этти хош анбёни.

Етурди жаннатоси равансига Маннингдек осийи қон қарони.

Зиёрат айладим қабри шарифин, Ҳабиби Ҳақ Мухаммад Мустафони.

Ина Абу Бақр қорери аввал Ушал вофий, содиқи босафони.

Умар равнақзафойи нурин амон Расуллаллаҳа эрди ери сонин.

Нисорини молу жон ўлсув фидоси Ҳам ул бит ун — наби, хайр ун — нисорин.

Юзумини сурғали алхамдулиллаҳу Насиб ўлди Ҳарамини остоини.

На ерда ўлсам ўлсув туҳфа мандин, Дуруди бениҳоят ҳар замони.

ИККИНЧИ ТАРЖИҲ

Қилай эмди Ҳарам насфин саросар, Саодат ҳужраси нури мунаввар.

Зумурад тугман тожи саодат, Шарофда гўмбазини волийи аҳзар.

Бино чоғида меймори — малок, Суви — кавсар ани, туфроғини — анбар.

Суви туфроғини лой айлаганда Сомон ўрнига солгон мушкн заъфар.

Тулаид ўлмоқ таманин этти хурушди, Ва лекин, этмади тағрир муассар.

Сувоғон қажлари кофуру абёз, Қўйулгон тошлари ёқуту аҳзар.

Муҳаммад афзали авлоди Олам, Вужуди боиси ижоди олам.

Туфайлийдин аниг қилди худованд Бани одамни қилғатда муқаррам.

Шабоб меҳроми налайни губорин Қўнға сурма қилди арши аъзам.

Сутуни чор руҳи ул қорери, Бинон дин алардини ўлди наҳкам.

Етушсин ол асҳобига оғини Дуруди беадал мандин дағолам.

Муаххар келди гарчи нури поки Ва лекин қулди ашдин муқаддам.

Кетурди қайси қон оламга таширди, Мухаммад, яъни ул нури муқассам.

Йиқилди ерга ул дам жумла асном, Уқуб ҳам тоқ касри қомати ҳам.

Кетубон ердин олам азулати ҳам, Ҳамон дам ёғди нури осмони.

Мусаббағни Фурқат бата-риқи таржиғибанд ҳар бандо-ни бек қофия

Мўътабар қўз ёш Ҳақ наздида дурри нодин, Ҳам либоси фар бехтар, шол ила санжобдин.

Бистари қонлида роҳат бирла қурган ходини Кўйин улаят бўрси хўбдур ҳар бодин.

Бор эмиш бир қон азоби, ваҳи қил Ваҳҳобдин, Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин.

Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ, Марди Ҳақсан, чиқ алоиқ номдин гирдобдин.

Гардинин Ҳам қил ноабодга раҳи одобдин, Оч ажал ёдин кетмасдин бурунроқ тодин.

Оч қўнғини равансини гафлатга тўлмай ходин, Қинди бўйла фол неку яқини устурлобдин.

Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Ҳотирини маҳсул қачон ҳун бодин ходин, Гар лабо-лаб бўлса ҳам олтин қадаҳ жуллобдин.

Хўб эмас бош оғриганда бир қошқ қуллобдин, Қил талаб кавсар сувия айлар бақо тавлобдин.

Билмасанг сўрғил бориб бир хуррабин аҳобдин, Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин.

Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ, Бу работе кўнҳадур, қолган неча аробдин.

Зўр боғуға ишонган Рустам Сухробдин, Баҳману Жамшид ила Исқандару Доробдин.

Чинмади ҳаргиз алаб бу рамкада қуллобдин, Чиндилар бир боб дигардин кириб бир бодин.

Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин, Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Оқил эрсанг, ибрат олғил, эмди шайху шобдин, Истамас дунёин, чиқмас, гўшан меҳробдин.

Емиши лаҳти жигардин, ичмиши хунобдин, Дур эмас қилгон дуоси, бу сабаб ижобдин.

Бўғуға бир неча қунлар жумлан шоблобдин, Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин.

Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ, Ҳар қадар дастингда бўлса гаваҳри нодин.

Хобҳоҳинг тўда бўлса баҳмалу кинҳобдин, Баъзинга бўлса муяссар ҳар нечук асбобдин.

Титраса қонун муғанини илғида музробдин, Жолин ҳасратда ютарсан оғибат зардобдин.

Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин, Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Қилди саргардон фалак қўп эди лообдин, Шуълан қавқабини ўтқаргум дебон маҳтобдин.

Қатра тотмай ташналар бу қўзан дулобдин, Фол айлабим нечук деб Фурқатини даслобдин.

Яқин тотим ушбу даврон шакли ҳури ходин, Аҳли дунё суҳбати ичра шаробин нодин.

Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ, Ит яқон ичра ичган қип-қизил қон яхшироқ.

Шеърларини нашрга тайёрловчи ва сузбоши муаллифи

Нуроб АБДУЛ ҲАКИМ.

УНГА ИШОНАМИЗ

соҳаларига қарши зугум ўтказган ўн йилликлар давомида ўтмиш адабиёт ҳақида нотугери, жуда нари борганда, чала тасаввур қолдира-диган тадиқотлар қўлаб яратилди.

Табиғийки, бу ҳол ўқувчиларда мумтоз ширларнинг мероси хусусида, уларнинг қўлаб яратилган хусусида долбани фикрлар тугулишига сабаб бўлди.

Шуниси ҳам борки, олимларимизнинг ўша вақтлардаги тадиқотларини ҳозирги шароитда тадиқ қилиш ойна-осон иш. Аслида эса бу масалаларга тарихийлик нуқтаи назаридан қараб, ҳа-толарни тузата бориш, ўт-миш маданият меросимизни ҳақиқий кўзгусида кўрсатиш тадиқотларини изчиллик билан илтифат хатоларга йўл қўй-ган мутахассисларга бўлар-бўлмас дашном беравермаслик лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда, ёш тадиқотчи Нуроб Абдул Ҳақимнинг юқорида шобир Зокиржон Фурқат меросидан эълон қилдираётган ди-ний-ахлоқий мавзудаги асар-лари ва уларга берган на-мий изоҳи муҳим аҳамият

қўшади. Зотан, Фурқат Урганчилан, тадиқ этилган кейинги ярим асрдан ортқи давр ичиди шоирнинг бу мав-зудаги асарларига эълонбор дедарлик қаратилмаган, э-тибор қаратилган қамдам-қам ҳолларда эса уларга туҳмат-лар қилинган эди. Биноба-рин, ёш олимнинг бу тади-қоти Фурқатнинг ижодкор-сифатидаги ҳақиқий қиёфа-сини ёритишда унга хос илтифат бўлади. Нуроб Аб-дул Ҳақим йилги-яғни тади-қотлари билан ҳисса қўши-шига умидворман.

Шариф ЮСУПОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Бош муҳаррир: Гаффор ҲОТАМОВ. Таҳрир ҳайъати: М. АБДУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), З. МАМАДАЛИЕВ, Ж. РАЗЗОҚОВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ (масъул котиб), С. РУСТАМОВ, Б. ЮСУПОВ.

Тавассит этибдилар: ЎЗБЕКИСТОН ЕШАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ва "ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ газета 1925 йил 8 февралдан "Еш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва ҳаёқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: 1001 Тошкент, Мабдулқабил йўли 2-й. Нашр курсаткичи: 64607. Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.